



Муфассирлик ўта масъулиятли ва буюк маком бўлиб, бундай макомга хамма хам етишолмайди. Муфассир Аллох таолонинг Каломидаги маънолардан, сир-асрорлардан вокиф бўлиши учун соф эътикодли, ибодатларда бардавом, ихлосли бўлиши зарур. Бузук эътикодли, беамал, хавойи нафсига мубтало бўлган киши муфассирликдек маком сохиби бўлолмайди. Фараз қилайлик: бундай одам ўзини муфассирман, деб даъво қилганда хам, Аллох таолонинг Каломи бўлмиш Куръонни тўғри фахмлай олмайди, натижада хавойи нафсининг ортидан юриб, ўзини хам, бошқаларни хам адаштиради.

Етук олимлардан Заркаший раҳматуллохи алайх «Бурхон фи улумил-Куръон» номли китобларида: «Билгинки, калбида бидъатга мойилликми, кибру хавоми, дунё мухаббатими ёки гунохларда бардавомлик бўлган, комил иймон сохиби бўлмаган киши вахий (оятлар) маъносини фахмлай олмайди. Чунки бу иллатлар уни тўсиб қўювчи тўсиқлардир», деганлар. Суютий раҳматуллохи алайх бунга далил сифатида Аллох таолонинг Аъроф сураесидаги 146-оятни келтирадилар:

**«Энди ер юзида ноҳақ мутақаббирлик қилаётганларни, барча оятларни кўрсалар хам, уларга иймон келтирмаётганларни, тўғрилиқ йўлини кўрсалар хам, уни ўзларига йўл тутмаётганларни, агар адашув йўлини кўрсалар, уни ўзларига йўл тутаётганларни Ўз оятларимдан бураман. Бундай бўлиши уларнинг оятларимизни ёлгонга чиқаришлари ва улардан гофил бўлишлари сабабидандир».**

Суфён раҳматуллохи алайх оятнинг маъноси «Ундай инсондан Куръонни тушунишни олиб кўяман», деганидир», дейдилар.

Имом Табарий тафсир китобларининг мукаддимасида: «Муфассирлик шартларининг биринчиси тўғри эътикод бўлса, кейингиси дин йўл-йўриги, амру наҳйиларига мустаҳкам амал қилишдир. Чунки динида ёлгончи бўлган кишига дунё ишлари ишониб топширилмайди. Шундай экан, қандай қилиб диннинг устуниси бўлмиш Куръони Карим тафсиридек масъулиятли ишни топшириш мумкин?! Агар ундай киши диндан чиққан кишилардан бўлса, фитнага сабаб бўлиши, инсонларни йўлдан оздириши мумкин», деганлар.

Бундан кўришиб турибдики, диннинг салоҳияти барча ўринларда эътиборли эканлиги билан бир қаторда муфассирлар борасида ҳам алоҳида диққатга сазовордир.

**Аъзамжон ТОШПҲЛАТОВ**